



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3156-1
2021 - vil 27 - oktabr

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
КАДАСТР АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

**Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк обьектларига бўлган ҳукуқларни
давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартеришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ–6061-сон “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПҚ–4819-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги 66-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги тўғрисидаги хамда Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳакида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 11 мартағи 4-сон қарори (рўйхат рақами 3156, 2019 йил 22 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2019 й., 17-сон, 335-модда) билан тасдиқланган Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк обьектларига бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартеришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор



Umarov F. K.

Тошкент ш.
2021 йил 14 октябрь,
12 сон

Келишилди:

Курилиш вазири



Закиров Б. И.

Тошкент ш.
2021 йил 05 октябрь

Давлат солиқ құмитаси раиси



SH.D.KUDBIEV

Тошкент ш.
2021 йил 13 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик
қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги
директорининг 2021 йил 14 октябрдаги

12-сон буйруғига

ИЛОВА

**Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк обьектларига бўлган хукуқларни
давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чикиш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг тўртинчи хатбоиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“рўйхатдан ўтказувчи – Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (бундан буён матнда худудий бошқарма деб юритилади) раҳбарлари томонидан тайинланадиган масъул шахслар.”;

2. 2, 5, 6 ва 8-бандлардаги “ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси” деган сўзлар “худудий бошқарма” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3. 34-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“34. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги директорининг буйруғи билан Апелляция комиссияси тузилади. Апелляция комиссияси таркибиغا Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг комиссия фаолиятида иштирок этмаган масъул ходимлари орасидан Апелляция комиссияси раиси ва камида тўрт нафар аъзо киритилади.”.

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Давлат солик қўмитаси билан келишилган.